



2013 у.р. "8" август № 795-к Самарқанд т-р Самарқанд

“Zokirjonov Savlat baraka” фермер хўжалигига
пишиқ ғишт ишлаб чиқариш кичик цехи
қуриш учун 0,45 га ер майдони ажратиш
хақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 19 июлдаги 83-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2013 йил 18 июлдаги 680-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда “Zokirjonov Savlat baraka” фермер хўжалигининг туман ҳокимлигига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 19 июлдаги 83-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Zokirjonov Savlat baraka” фермер хўжалигига пишиқ ғишт ишлаб чиқариш кичик цехи қуриш учун тумандаги “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ “Мотрит-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 414а-контуридан жами 0,45 га (шундан: 0,45 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев